



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (11.678)

Баҳоси эркин нархда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Осиё-Тинч океани қишлоқ хўжалиги кредити уюшмаси (АПРАКА) Ижроия қўмитасининг 17-Бош ассамблеяси ва 58-кенгаши бўлиб ўтмоқда. Учрашувларда Ўзбекистон, Вьетнам, Хитой, Хиндистон, Жанубий Корея, Таиланд, Филиппин, Камбоджа, Лаос, Непал, Озарбойжон ва АПРАКАга аъзо бошқа давлатларнинг банк ва молия муассасалари вакиллари иштирок этмоқда.

● Ўзбекистонлик халқаро гроемейстер Темур Гареев АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича очик турнирда голиб чиқди. Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган 105 нафар шахматчи қатнашган нуфузли мусобақада ҳамюртимиз кетма-кет беш партида россиялик Вадим Кудрявцев, арманстонлик Адриан Матикозян, америкалик Даниэл Фридман, Никола Седлак ҳамда Вараун Ақобянни мот қилди.

● Сурхондарё вилояти таълим муассасалари, ёзги оромгоҳлари ва маҳаллаларида гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги доирасида маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири Жарқўрғон туманидаги саннат коллежида уюштирилди.

● Жиззах шаҳридаги Ёшлар марказида жисмоний имконияти чекланган болалар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Косонсой туманидаги Маҳдуми Аъзам номли маданият ва истироҳат боғида дорбозлар ва цирк санъати жамоаларининг анъанавий республика фестивали ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Жорий йилнинг апрель ойида Италиянинг давлат қарзи рекорд даражага етди — 1,813 триллион евроли ташкил этди, дейилади мамлакат марказий банки эълон қилган ҳисоботида.

● Лондондаги «Sothebys» аукционидида ҳинд ижодкори Рабиндранат Тагор ижодига мансуб 12 та суратдан иборат тўплам 1,5 миллион фунт (2,2 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

● Германиянинг Магдебург шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғининг директори уч нафар йўлбарс боласини ўлдиришда айбланмоқда. Маълум бўлишича, мутлақо соғлом йўлбарс болалари 2008 йил майда заҳарланган. Бунга сабаб уларнинг отаси ҳақиқий амур йўлбарси эмаслиги аниқланган. Ҳайвонот боғи маъмурияти эса уларни боқишга яроқсиз деб топган.

● Кеча Индонезиянинг шарқий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 7,1 балли zilзила содир бўлди. Хабарларга қараганда, маҳаллий ҳокимият худудидида цунами хавфи борлигини эълон қилгач, аҳоли ваҳимага тушиб, турар жойларини ташлаб кета бошлаган.

● Испан полицияси Европа ва АҚШлик қонун ҳимоячилари ҳамкорлигида икки йиллик тайёргарликдан сўнг ўтказилган махсус операцияда халқаро жанойи гуруҳнинг 178 аъзосини қамоққа олди. Маълумотларга кўра, дунёнинг 14 мамлакатидида 84 та операция ўтказилган. Натижада банк ҳужжатларини қалбакилаштирувчи 11 та цех, беш мингга яқин кредит карточкалари, 120 мингга банк ҳисоб-рақамлари фош қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон раҳбари кейинги кунларда Қирғизистон Республикаси жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган боқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қирғин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этди.

Юзлаб қурбон бўлганлар, шунингдек, жабр кўрганлар, жароҳатланганлар орасида минглаб ўзбек миллатига мансуб фуқаролар бор.

Тинч аҳоли ва Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Р.Отунбоевнинг мувожадатдан сўнг қочқинларни қабул қилиш учун Ўзбекистон чегараси очилди. Бугунги кунда асосан аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочқинларнинг сони 70-80 мингдан ошади. Бу, ўз навбатида, уларга ёрдам, биринчи навбатда, тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон етказиб бериш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Қочқинлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва яратилмоқда: беморлар, шунингдек, ҳомилдор аёллар шифохоналарга жойлаштирилди, ҳамма эҳтиёжмандларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маиший шароитлар яратилмоқда, уч маҳал оқват билан таъминланмоқда. Вазият аввало қочқинлар оқимининг кўплиги, уларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати туфайли мураккаблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жабр кўрган одамлар оғир аҳволда қолганини инобатга олиб, ҳозирча фақат БМТ тузилмалари ва айрим давлатлар томонидан таклиф этилаётган ёрдамни тезлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Ёрдам тариқасида келаётган юрларнинг ҳаракати йўлидаги оралик бўғинларни камайтириш ва уларни дахшатли қирғиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган ерларга бевоСИТА етказиб бериш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ушбу жараён юзасидан гоят қатъий назорат ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

БМТ Бош котиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жабр-дийдалар жойлашган лагерларга очик ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирди, шунингдек, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

БМТ Бош котиби ёрдам кўрсатиш борасидаги барча ишларни шахсан ўзи мувофиқлаштириб бораётганини ҳамда Қирғизистон жанубидаги аҳолини қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини ошириш ва жабр кўрган аҳолига бевоСИТА ёрдам кўрсатиш бўйича барча зарур чораларни кўраётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди жаноб Пан Ги Мун, Қирғизистон жануби ва бутун мамлакатдаги вазиятни бевоСИТА назоратга олган ва вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор чоралар кўради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мамлакатингизга сафарим нихоясида Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Давлат ташрифим асноСИДА Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан менга ва делегациямиз аъзоларига кўрсатилган иззат-икром ва самимий қабул Ўзбекистон халқининг Хитой халқига чуқур ҳурмат-эҳтиромидан яна бир далолат бўлди. Биз Сиз, Жаноби Олийлари билан очик, теран ва самарали музокаралар ўтказиб, икки томонлама муносабатлар, ўзимизни қизиқтирган гоят муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашдик. Кенг қўламли масалалар бўйича ўзаро келишувларга эришилди. Хитой-Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш нафақат мамлакатларимиз ва халқларимизнинг туб манфаатларига мос келади, балки минтақда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга ҳам хизмат қилиши борасидаги фикрларимиз бир хил. Ташрифдан сўнг биз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бошқа давлатлар раҳбарлари билан Тошкент саммитида қатнашдик ва Ташкилотни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Ишончим комилки, бўлиб ўтган саммит ШХТга аъзо давлатлар ўртасида бирдамлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаноби Олийлари, минтақда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида Сиз билан Хитой-Ўзбекистон муносабатларини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бундан буён ҳам бор куч-ғайратини ишга солишга тайёрман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистонга юксак раванқ ва куч-қудрат, халқига бахт-саодат тилайман!

Ху ЦЗИНЬТАО,
Хитой Халқ Республикаси Раиси.
2010 йил 11 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Шанхай ҳамкорлик ташкилотига муваффақиятли раислигингиз билан Сизни ва мамлакатингизни табриклашга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2010 йил 10-11 июнь кунларидаги Тошкент учрашуви муҳим воқеа бўлади ва келгусида янада улкан самаралар келтиради.

ШХТ анча йиллардан буён БМТ билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. БМТ ҳузурида қузатувчи мақомига эга бўлган ушбу Ташкилот БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) ҳамда Тараққиёт дастури (ПРООН) билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон ШХТга раислик қила бошлаганидан сўнг икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик янада фаоллашди.

2009 йил 18 декабрь куни БМТ Бош ассамблеясининг Олтмиш тўртинчи сессиясида «БМТ билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида ҳамкорлик» деб номланган А/64/183 рақамли Резолюция қабул қилинди. БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентда ташрифи асноСИДА 2010 йил 5 апрель куни БМТ ва ШХТ раҳбарлари ушбу икки ташкилот котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Буларнинг барчасини Ўзбекистон ШХТга раислигининг ижобий натижалари ва ўзбек дипломатиясининг ютуғи, деб ҳисоблаш мумкин.

Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва ШХТнинг бошқа мамлакатлари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида гоят муҳим ўрин тутади ва БМТ шафёлигидаги халқаро сазъ-ҳаракатларда самарали иштирок этиб келмоқда. 2009 йилнинг апрель ойидан Ўзбекистон Афғонистон пойтахти — Кобулни тўла электр энергияси билан таъминламоқда. Ўзбекистоннинг миллий транспорт тармоғи ҳар йили бир неча миллион тонна ҳаётий муҳим юрларнинг Афғонистонга ва Афғонистондан ташилишини таъминламоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бу йил Ўзбекистоннинг Термиз шаҳридан Афғонистон шимолидаги Мозори Шариф шаҳригача бўлган темир йўл линияси қурилишини якунига етказди. Буларнинг барчаси Афғонистонда тинчликни қарор топтириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бу далиллар Ўзбекистоннинг Афғонистонда барқарорлик, тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлашга кўрсатаётган мислсиз ёрдамининг ёрқин ифодасидир. Ишончим комилки, яқин келажакда Ўзбекистон ушбу қардош мамлакатда амалга оширилаётган халқаро сазъ-ҳаракатларга қўшаётган ҳиссасини янада оширади.

Президент Жаноблари, ШХТнинг Тошкент саммити ишида Сизга қўлдан-қўл муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Эҳтиром ила,

Доктор Али АБДУССАЛОМ ТРЕКИЙ,
БМТ Бош ассамблеяси Раиси.
2010 йил 10 июнь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Тошкентда Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржанинг биринчи босқичи давом этмоқда. Унда мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқлари ва кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича намойиш этмоқда.

Ушбу тадбирлар давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 декабрда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 апрелдаги иқтисодий-



ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

нинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш дастурига оид қарорига мувофиқ ўтказилмоқда. Уэксपोмарказда геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть ва кимё, металлургия саноати корхоналари маҳсулотлари намойиш этилаётган навбатдаги ярмарка ўз ишини бошлади. Ярмарка стендларида маҳаллий корхоналар томонидан экспортга мўлжаллаб ишлаб

- ✓ **КИСҚА САТРАЛДАР** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.
- ✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси Тарих институтида этимолог олим, академик Карим Шониёзовнинг ижодига бағишланган анжуман ўтказилди.
- ✓ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги болалар техник ижодиёт марказида ташкил этилган таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг бўш вақтини сермазмун ўтишини таъминлаш мақсадида 20 дан ортққ тўғрақ ёз мавсумида ўз фаолиятини давом эттириши маълум қилинди.
- ✓ **КЕЧА** 249-мактаб қошида ташкил этилган «Қалдирғоч» ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳи ўз ишини бошлади.
- ✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 304-мактабгача таълим муассасасида халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Соғломжон — полвонжон» широри остида тарбияланувчилар иштирокида театрлаштирилган концерт дастури намойиш этилди.

ҚИСҚА САТРАЛДАР
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

(Давоми. Боши 1-бетда).
 “Ўзбекнефтогаз” Миллий холдинг компанияси таркибига кирувчи корхоналар бўлгуси ҳамкорларга кенг турдаги маҳсулотларини таклиф этмоқда. Масалан, “Ўзнефт-маҳсулот” акциядорлик компанияси Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида замонавий технологияларни жорий қилиш орқали ҳаво кемалари учун мўлжалланган Jet-A-1 русумли янги турдаги авиация ёқилгиси ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида ҳам худди шундай маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Холдинг таркибига 2008 йилда ташкил этилган “Карбонам” масъулияти чекланган жамияти “Карбоцел” карбоксилметилцеллюлозаси ва ишқорий реагент ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Улардан нефть ва газ қазиб олишда фойдаланилади. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қурилиш, кимё, парфюмерия, тиббиёт ва тўқимачилик тармоқларида ҳам қўлланмоқда. Шу тарих тармоқларга алоқалар янада мустақамланаётди.

ринчилардан бўлиб халқаро сертификатни қўлга киритди ва ISO 9001:2000 сифат менежменти тизимини жорий қилди.
 Ярмаркада “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниясига қарашли корхоналар ўзaro манфаатли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш борасида ўз имкониятларини намоиш этмоқда.
 Мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергия тежайдиган ва экологик хавфсиз технологияларни жорий қилиш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босув-

ни кимёвий химоялаш воситалари, дефолиант ва плёнкалар шулар жумласидандир. Унлаб турдаги маҳсулотлар қўллаб мамлакатларга экспорт қилинади.
 Ярмаркада мамлакатимиз саноатининг турли тармоқлари ўртасида кооперацион алоқаларини янада ривожлантириш асосида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига асосан кимё саноати корхоналари томонидан 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.
 Тармоқлараро кооперация доирасида машина-созлик, кабель маҳсулотлари, кимёвий хомашё ва ускуналарни харид қилиш бўйича 68,2 миллиард сўмлик шартномалар тузилди. “Ўзкимёсаноат” корхона-

16 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Мажлисда Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган фожиали воқеалардан бутун мамлакатимиз халқи каби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ҳам қаттиқ ташвиш тартаётганликлари, жиддий хавотирда эканликлари таъкидлаб ўтилди.
 Ўзбекистон парламенти аъзоларининг ишончи комилки, фожиали воқеалар ортнда замдан иш олиб бораётган, қирғиз халқининг манфаатлари ўзи учун ёт бўлган кучлар турибди. Улар Қирғизистон жанубида миллатлараро низо кўзга тушиб, вазиятни беқарорлаштириш ниятида узокни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар.
 Қонунчилик палатаси депутатлари фожиали воқеалар янада кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва мамлакатда тартибни тиклаш юзасидан Қирғизистон тарафининг жадал чоралар кўриши муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар.
 Ўзбекистон парламенти аъзолари кўп асрлардан буён турли миллат ва элатлар бир тан, бир жон бўлиб яшаб келаётган, елкама-елка туриб меҳнат қилаётган Қирғизистоннинг соғлом кучлари ҳозирги оғир кунларга, зўравонликка барҳам бериб, вазиятни барқарорлаштиришга, Қирғизистоннинг кўп миллатли халқи тинч-тотув яшашини таъминлашга қодир, деб ишонч билдирдилар.
 Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари Қирғизистоннинг бошига мусибат тушган аҳолига тиббий, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган кенг миқёсли чоралар эътиборга бўлаётганлиги ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар, шунингдек, давлатимиз раҳбари бошчилигида Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатни тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ САМАРАЛАРИ

чи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Исроил Каримовнинг 2007 йил 27 июлда қабул қилинган “2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янада фаоллаштиришда дастурий-амал бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжатда юқори технологиялар ва замонавий бошқарув тизимларидан фойдаланиш орқали ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.
 Ҳозирги кунда “Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси корхоналарида 150 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Минерал ўғитлар, сунъий тола, полимер материаллар, ноорганик моддалар, резина техник буюмлар, энергетика соҳаси, олтин қазиб олиш ва ангил саноатда ишлатилган кимёвий реагентлар, кишлоқ хўжалиги учун ўсимликлар-

лари, ўз навбатида, олтин қазиб олиш, нефть-газ, мебель, лок-буёқ саноати корхоналарига кимёвий реагентлар, хомашё ва тайёр маҳсулотлар етказиб бермоқда.
 Ярмарка иштирокчилари ва ташриф буюрувчилар корхоналар тақдирларида қатнашиб, уларнинг техник ва технологик имкониятлари билан танишиб, эришилган ютуқлар ва орттирилган таърибли борасида фикр алмашиш имконига эга. Ахборот ва тақдирот алмашинувида янги маҳсулот турларини ўзлаштириш учун кооперация алоқалар кенгайтириш, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар, ишлаб чиқариш-техника эҳтиёжи учун зарур бутловчи ва тайёр буюмларни етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди.
 Ярмаркага ташриф буюрган турли саноат тармоқлари вакиллари намоиш этилган экспозиция иштирокчиларда келгусида ўзaro манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга катта қизиқиш уйғотганини таъкидладилар.
В.НИКОЛАЕВ,
 ЎЗА мухбири

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Президентимиз Исроил Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонунларни такомиллаштириш, уларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларни мустақамлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.



Кичик бизнес

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институтидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбатиде шу ҳақда гап борди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Конституциявий суд, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идоралар ходимлари, олий ўқув юрталари ва илмий тадқиқот муассасалари вакиллари иштирок этди.
 Маъруза институт директори Ш.Ҳабибулаев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Х.Ёдгоров, юридик фанлари доктори М.Мама-сиддиқов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, манфаатларини муҳофаза қилиш босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади. Соҳага оид қонунчиликнинг тобора

ҳақда”ги қонун билан фуқаролик процессида эксперт бўлиш ҳуқуқига эга субъектлар белгила-ниб, уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбурият-ларига доир қоидалар янада такомиллаштирилди.
 Шу билан бирга, умумий юрисдикция судлари га оид фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг суд амалиётида кўпайиб бораётганлиги суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминловчи процессуал механизмларни такомиллаштириш, судьяларнинг иш юкларини камайтириш мақсадида суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шакллари кучайтириш долзарб аҳамият касб этмоқда.
 Давра суҳбатиде мониторинг натижалари асосида тайёрланган фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган қатор таклифлар, жумладан, тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали иш юретишни тугатиш-ни рағбатлантирувчи нормаларни мустақамлаш, судга таалуқли ишлар рўйхатини аниқлаштириш, суд буйруғини чиқариш бўйича талаблар доирасини кенгайтириш, фуқаролик ишларида адвокат иштироки шарт бўлган ҳолатларни ҳамда фуқаролик процессида бе-пул юридик ёрдам олишни назарда тутувчи қоидаларни белгилаш билан боғлиқ та-всиялар муҳокама этилди.
Норгул АБДУРАИМОВА,
 ЎЗА мухбири

Бозор иқтисодиётининг асосий талаби харидор талаб ва дидига мос маҳсулот ва хизматларни тақдим этишдир. Бунинг учун албатта бозорни ўрганиш, шу асосда маҳсулотнинг рақобатбардош турларини кўпайтириб бериш керак бўлади.

ХАРИДОР ДИДИГА МОС

Мана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда юртимизда кичик ва хусусий бизнес ривожига кўрсатилган эътибордан руҳланган тадбиркорлар ўз мақсадини амалга ошириш йўлида тинимсиз изла-нишмоқда. Бунинг самарасини дўкон-лардаги сифатли маҳсулотларда, ички ва ташқи бозорга буюртма асосида етказиб берилаётган товарларда кўриш мумкин.
 Трикотаж маҳсулотларнинг замонавий моделлари устиде ишлаб, бозорда ўрин топаётган «Zynat Tekstil Servis» масъули-яти чекланган жамияти ана шундай корхоналар сирасига кирди.
 — Цехларимиз Япониянинг тивуқ даст-гоҳлари билан жиҳозланган бўлиб, ишчи-хизматчиларни танлов асосида са-ралаб оламиз, — дейди корхона дирек-тори Аваз Жўраев. — Маҳаллий хом ашёдан хилма-хил эркаклар ва ўсимир-лар устки кийимлари тикилади. Моде-льер-дизайнерлар хориж каталогларидан ижодий фойдаланишади. Пойтахтимиз-даги кўплаб корхоналардан матолар харид қиламиз. Ички кооперация эса, ал-батта, маҳсулот таннархи арзоналашув-ида муҳим аҳамият касб этмоқда.
 Сифати ва кўриниши билан четники билан бемалол рақобатлаша оладиган «Zynat Tekstil Servis» МЧЖ маҳсулотларини турини жорий йилда ўндан зиёдага кўпай-тириш белгиланган.
 Шу билан бирга ишлаб чиқариш ҳаж-мини ошириш мақсадида яқин кунларда янги дастгоҳлар келтирилиши ҳам кутил-моқда.
Шарифа ИЛЁСОВА
 Ҳажимжон Солиҳов олган сурат

Иқтисодиёт АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Кейинги йилларда аҳоли дастурхонига чиройли қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда қандолат усталарининг ҳам муносиб ўрни бор. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан тайёрланаётган турфа хилдаги ширинликлар харидорини топаётгани бунинг исботидир.

«Sharf-Shirin» масъулияти чекланган жамия-тида 100 га яқин ишчи-хизматчи меҳнати ўлароқ ички бозорга турли хил қандолатчилик маҳсу-лотлари ишлаб чиқарилмоқда.
 Қандолатпазлар замонавий технологиялардан омиликорлик билан фойдаланиб, айниқса кўпчи-ликка манзур бўлаётган «Авелино», «Ла-Срема» шокладлари, «Conla Crema» печеньеларини кат-та ҳажмда тайёрламоқда.
 Келгусида аҳолига кулайлик яратиш мақса-дида корхона яқинида фирма дўконини очиб режалаштирилган.

ХОНАДОНЛАРГА ФАЙЗ

Чеварлар тўқиган гулдор, нақшинкор, жилдор гиламлар оҳори тўқилмайди, иплари пишиқ, кўркамлигини йўқотмайди, ҳар бир хонадонга файз бағишлайди.

«Qays-gilam-to'qish» масъулияти чекланган жамияти 2007 йилда уч нафар чевар билан иш бошлаган бўлиб, ҳозирда унинг саккизта филиалида 120 дан зиёд аёл уйларимиз кўрки бўлган гилам ишлаб чиқармоқда. «Қайс» гиламларини тайёрлаш бир неча жа-раёнларни ўз ичига олади — тоза жун йиги-рилиб, бўялгандан сўнг асосий маҳсулот тўқилади.
 — Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширила-ётган Инқирозга қарши чоралар дастури са-марадорлиги ҳақида гапирилганда, аввало янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг тур-муш даражасини янада оширишга йўналти-рилганини алоҳида таъкидлаш лозим, — дей-ди корхона директори Мухаммад Абдулкаю-мов. — Айниқса иш билан банд бўлмаган аҳоли касаначиликка кенг жалб қилиниши оила бюджетини кўпайтириш имконини бер-моқда. Корхонамиз мисолида айтадиган бўл-сак, 60 нафар аёлларимиз уй шароитида меҳнат қилиб, уй-рўзғор юмушлари билан бир қаторда қўшимча даромад топаётди. Уларга керакли бўлган дастгоҳ ва хом ашё корхона томонидан етказиб берилади. Меҳнатнинг бу усули аёлларни қобилият ва қизиқишидан келиб чиқиб, хунарсандчилик билан машғул бўлишига, оиласига кут-барақа келтиришда муҳим омили бўлмоқда.
 Корхонада Меҳнат, аҳолини ижтимоий му-ҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ўқув маркази билан тузилган шартномага асосан аёллар уч ойлик курсларда «Усто-шоғирд» йўналишида гилам тўқиш сирлари-ни эгалламоқда. Ўқиш давомида туман бан-дликка кўмаклашувчи марказ орқали уларга стипендия ҳам тўлаб борилади.

ҚИРГИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Рес-публикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида Қирғизистон Республикасидан вақ-тинча кўчиб келганлар яшаб туриши учун мах-сус жойлар тайёрланди. Мамлакатимизнинг дав-лат ва жамоат тузилмалари, фуқаролари томо-нидан жабрланганларга — 75-80 мингдан ортиқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.
 Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун “Аг-робанк” оқиқ акциядорлик тижорат банкда куй-идаги ҳисоб рақамлари очилди:
Хорижий валютадаги ҳисоб рақами:
 20204840900278031001 MFO: 00077. SWIFT
 Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank»
 Andijan.
 Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic
 of Uzbekistan.
Сўмдаги ҳисоб рақами: х/р
 20204000100278031008 - Андижон вилоят-и ҳокимлиги махсус ҳисоб рақами. Код:
 00077, «Агробанк», Андижон.
Ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳридаги штабга қуйидаги теле-фонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин:
 +99871 239-86-84, +99871 239-86-25; Факс:
 +99871 239-80-37; e-mail: humanitar@gov.uz
Андижон шаҳридаги штабнинг телефон-лари: (8-374) 226-99-78, 226-99-80.

ЖҲҒТЛИК ЭЛЕКТРОЛР

Давоми. Боши 3-бетда.

9.40 «Ширк. ширк. ширк...»
10.00 «Бирод ва мена» М/ф.
10.10 «Кирол ва мена» Т/с.
10.50 «Синий адонатенгиз».

2.30 «Мулоҳаза учун маззу» Х/ф.
3.00 «Дурдона».
3.15 Тунги киносеанс: «Бекхемдан қилиш».

17.00, 01.00 Т/с «Звездные врата».
18.25 «Хайт гузал» Т/с 12-кисм.
18.30 Т/с «Затерянный мир». 46 с.

12.00, 20.00 «Кремлевские курсанты» Т/с.
14.30 «Приключения мышк Гамми» М/с.
15.00 «Настоящие охотники за привидениями» М/с.

12.00, 20.00 «Кремлевские курсанты» Т/с.
14.30 «Приключения мышк Гамми» М/с.
15.00 «Настоящие охотники за привидениями» М/с.

15.45 «Дурдона».
16.00 «Репортаж».
16.00 «Карвонсарой».
16.20 «Мулоҳаза учун маззу».

07.00 «Коти ветра» Х/ф.
08.45 «Корошка - Зеленые штаныш».

07.00 «Коти ветра» Х/ф.
08.45 «Корошка - Зеленые штаныш».

22.40 «Кино SMS со звездами: «Голливуд»...»

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилмиз: 10029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: 233-28-95, 236-57-65. Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.